

**МЕҲМОН – АТОЙИ ХУДО****НиёзАли Умаров,**

09.01.2022 йил

<https://t.me/VatanichraVatan>

Бугун 2022 йил 9-январь, якшанба куни эрталаб Хоразмлик курсдош дўстим Марат Юсупов ва унга ҳамроҳлик қилаётган икки синифдош дўсти Нормамат Жумабоев ва Хўжаназар Махмудовлар билан Марат дўстимнинг автоуловига ўтириб, турталамиз Самарқанд шаҳрига жунадик. Дўстларим билан йўл - йўлакай “Ҳазарати Доуд” зиёратгоҳига кириб утдик.

Самарқанд шаҳрига боришимиздан мақсад Рахимжон Мақсадов дўстимизни кўриш ва унинг ҳолидан хабар олиш. Дўстимиз икки – уч йилдан буён ётиб қолган. Шу кунларда касаллиги зўрайган деб эшитган эдик. Самарқанд шаҳрида кейинги йилларда кўп ўзгаришлар бўлгани сабабли Рахимжон дўстимизнинг уйини аниқ топиб боришга қийнилиб қолмаслигимиз учун шу шаҳарда яшайдиган дўстимиз Маърифжон хожи Усмонов билан телефон орқали боғландик. У киши уйларида экан. Бизни кўчага чиқиб кутиб олди. Салом – аликдан сўнг у кишидан йўл сўраган эдик, у киши ўзлари ҳам бизлар билан бирга боришларини айтди.

– Мен яқинда бориб кўриб келган эдим, сизлар келибсизлар, ўзим бирга олиб бораман, лекин, олдин бир пиёла чой ичиб оламиз, тушлик вақти ҳам бўлиб қолди, - деб бизларни кўярда қўймай уйига таклиф қилди. Бизлар қандай бўларкан деб, ўзимизча ўйлаб, у кишига “ҳа” ҳам “йўқ” ҳам деяолмай иккиланиб турган эдик, у кишининг ўзлари гапини давом эттириб қолди:

– Уйим, мана шу атрофда, юз метр ҳам чиқмайди. Бир пиёла чой ичамиз-у, дарров чиқамиз, - деди. Биз у кишининг таклифини рад этишга ёки, эътироз билдиришга ҳеч қандай йўл қолмаган эди.

**Кулбамга кирмасанг, йўлчи, мабодо,
Сенга ғазаб қилсин тангри таоло.**

**Кирсангу мен улфат бўлмасам сенга,
Тангри таолонинг ғазоби менга!
Эшикдаги ёзув.**

Расул Ҳамзатовнинг **“Доғистоним” китобидан.** Эркин Воҳидов таржимаси.

Мен шу ўринда, Интернетнинг **“muslima.uz”** сайти саҳифаларининг бирида ўқиган яна битта **Ибратли ҳикояни келтириб утишни лозим топдим.**

Машҳур араб сайёҳи Ибн Баттута ўзининг хотираларида шундай ҳикоя қилади:

У карвонлари билан Туркиянинг Онадўли шаҳрига яқинлашганида шопмўйловли барваста бир одам йўлдан чиқиб, отининг жоловини маҳкам тутуди-да, “юр, кетдик!” деган ишора қилади. Сайёҳ туркчани, у одам эса



арабчани билмайди. Ёнига қилич осган шоп мўйловли бу одамни қароқчи деб ўйлаб, кўрқиб кетади. Озгина вақтдан сўнг яна бир паҳлавон одам пайдо бўлиб, отнинг чап томонидан жilовини ушлайди. Ўзаро нималардир деб гапириб, бири отни у томонга, иккинчиси бу томонга тортқилайверади. Гап нимада эканини билмаган сайёҳнинг кўрқуви ортади. Кейинчалик билса, тортишувнинг сабаби оддий экан.

Биринчи келган шопмўйловли паҳлавон айтган экан-ки:

– “Меҳмон – атойти Худо”! Биринчи бўлиб уни мен кўрдим. Шунинг учун уни мен меҳмон қиламан”.

Иккинчи бўлиб жilовни ушлаган паҳлавон эса унга эътироз билдириб:

– Биринчи бўлиб кўрганинг тўғри, лекин биродар, бу ерлар бизнинг ерларимиз-ку ахир! Бизнинг меҳмонимизни сен бошлаб кетсанг бизга уят эмасми! Инсоф қил! Бу меҳмонни Аллоҳ таоло бизга насиб этган. Биз уни едирамиз, ичирамиз, ётоғини тайин қилиб берамиз. Дуосини, савобини ҳам биз олажакмиз”, - даб меҳмонни ўзи билан олиб қолган экан. Бу воқеа кимларгадир эртақдай туюлиши мумкин, лекин, унда қанчадир ҳақиқат бор.

Биз ҳам “иккинчи бўлиб жilовни ушлаган паҳлавон” - **Маърифжон хожи Усмоновнинг уйига кирмасдан утиб кетолмадик. Унинг уйига етиб бориб, остана ҳатлаб ҳовлисига киришимиз билан Маърифжон хожининг ўзлари қўлимизга сув қуйдилар. Меҳмонхонасига кирдик. Меҳмонхонадаги катта стол устига дастурхон ёзилган ва дастурхон устига турли ширинликлар териб қўйилган экан. Стол атрофига териб қўйилган чиройли стулларга ўтирдик. Фотиҳадан сўнг Маърифжон хожи ўринларидан туриб, қўл қовуштириб:**

– Хуш келибсиз, қадамингизга ҳасанот!, - дедилар. Бизлар ҳам ҳурмат юзасидан ўрнимиздан туриб “Хушвақт бўлинг”, деб лутф қилдик. Ҳаммамиз билан бирма – бир ҳол – аҳвол сўраб чиқдилар. Неваралари чой олиб кирди. “Чойнакни ўзимизга беринг, ўзимиз сузиб ичамиз”, даган эдик, у киши эътироз билдирдилар:

– “Меҳмон атойти – Худо” дейшган, аввал мен сизларга бир пиёладан чой узатай, кейин, майли ўзларингиз сузиб ичаверасизлар, - дедилар. У киши чойнақдан пиёлаларга чой қуйиб ҳаммамизга бир пиёладан чой узатдилар. Шундан сўнг дастурхонга сомса тортилди. **Маърифжон хожи** дўстимиз яна бизларга илтифот кўрсатиб:

– Сомсадан олингизлар азиз меҳмонларим, ота - боболаримиз “яхши меҳмон ош устига келадилар”, деб айтганлар. Қизим сомса қилиб невараларимдан бериб юборган экан. Қаранг, бир ўзим ўтириб тановул қилишга унча рағбатим ҳам хоҳишим ҳам бўлмай тургандим, сизлар кўнғироқ қилиб қолдиларингиз, дарров сизларни кутиб олиш учун кўчага чиққан эдим. Мана сизларнинг ҳам ризқларингиз қўшилган экан, бирга овқатланадиган бўлдик. “Меҳмон келар эшиқдан, ризқи кирар тешиқдан”, деган мақоллар бежизга айтилмаган экан, -



дедилар. Дўстимизнинг ширин сўзларидан бизларнинг ҳам баҳри - дилимиз яйраб кетди. Ҳаммамиз бир – биримизга “Олинг, олинг”, “Хўп ширин бўпти”, “Сомса пиширган қизимизнинг кўли дард кўрмасин”, деб иштаҳа билан овқатландик, бу ҳам меҳмоннавозликнинг бебаҳо лаззати эди.

Дўстимиз пиёлага чой қуйиб узатдилар, биз чойни ичиб кетишга изн сўрадик. У киши “мен ҳали сизларнинг дийдорингизга тўйганим йўқ”, деб яна бир оз суҳбатга тутдилар. Зиёфат мобайнида дўстимизнинг 16-17 ёшлардаги ўғил невараси хизмат қилиб юрган эди. Дўстимиз шу неварасига имо – ишора қилган эди, у йигит бир пасда яна оқат кўтариб келиб қолди. Сомсани роса иштаҳа билан еб, овқатланган эдик. Иккинчи овқатга эҳтиёжимиз йўқ эди. Буни мезбон дўстимизнинг кунглига оғир ботмасин деб айтмаган эдик. Лекин, дўстимиз бизнинг кўнглимиздан утган фикрларимизни ички ҳиссиётлар ила илғади шекилли:

– Сизлар ҳечам ҳижолат бўлмангизлар, бу енгилгина овқат, ўзимизга тайёрлаган эдик, сизларнинг ҳам ризқларингиз қўшилган экан, - деди ва бизларни овқатга таклиф қилди. **Маърифжон хожи дўстимизнинг** зиёфати ва меҳмоннавозлиги, – У кишининг Қуръони Карим ҳадиси шарафларини ва доно ота – боболаримиздан бир неча асрлар оша мерос қолган урф – одатларимизни пухта ўзлаштирган билм соҳиби эканлигидан бўлса керак.

Меҳмон кутиш олийжаноб хулқлардан бўлиб, фозил кишилар бунга қадим - қадимдан амал қилиб келадилар. Халқимиз меҳмондўстлиги ва меҳмоннавозлиги билан шуҳрат қозонган. Бирор мусулмон хонадони, оиласи йўқки, меҳмонни хурсандчилик билан кутиб олмаган, уйдаги бор неъматларни дастурхонга келтириб тўкмаган бўлса. “Меҳмон – отангдан улуг”, “Меҳмон келар эшикдан, ризқи кирар тешикдан”, “Меҳмон олдида ҳатто мушугингни пишт дема” каби иборалар халқимизнинг меҳмондўстлигидан келиб чиқиб айтилган мақоллардир.

Аллоҳ Таоло айтади-ки:

– “Эй Одам фарзанди! Сен ҳузурингга келган Менинг меҳмонларимни сийла, Мен ҳам ҳузуримга келган сенинг меҳмонларингни сийлайман”.

Уйимизга келувчи одам шунчаки оддий меҳмон эмас экан. “Меҳмон атойти - Худо” экан. Биз Аллоҳ Таоло йўллаган меҳмонни сийлашимиз керак экан. Меҳмонни сийлаш билан дуо талаб ўтган аждодларимизнинг ва яқинларимизнинг руҳларини сийлар эканмиз. Аллоҳ Таоло ҳузурига борган яқинларимизни азиз меҳмон мартабасида сийлаб, вафот этган ота-оналаримиз, қариндошларимиз, дўстларимиз, қўшниларимизни Ўз мағфиратига олар экан.

Интернетнинг “Facebook” саҳифаларининг бирида **Ибратли ҳикоя ва ҳаётий воқеалар** туркумидан 2020 йил 4-январда “**Меҳмон**” номли ибратли ҳикояни ўқиганман. Уша ҳикояда айтилишича бир бефарзанд одам фақат хотини иккаласи яшар экан. Улар ўттиз йил яшашган бўлсалар-да, фарзандлари бўлмаган экан. Тайинли бир иш қилмагани, доим одамлар билан жанжал қилиб



юргани учун бутун қишлоқ аҳли ундан безор бўлиб, "Шу одам ўлса, биз ҳам қутулар эдик", дер эканлар.

У одам ҳар куни ким биландир жанжал қилиб келиб, яна уйда ҳам жанжал қиларкан. Хотини эрининг аҳволига ачинар, лекин у эри, уйининг эркаги бўлгани учун овозини чиқармас экан. Эрининг кексайиб, ҳолдан кетиб бораётганини, тинмай йўталаётганини кўриб, бечора хотин қўлларини дуога очиб "Шу одам умрининг охирида бўлса ҳам, бир оз ислоҳ бўлсин, бу гуноҳкор бандангни Ўзинг кечир", деб Аллоҳга ёлворар экан.

Бир куни эрталаб одатдагидек, чол уйдан чиқиб кетиб, эртаси тонг отганда ҳам, уйга қайтмабди. Хотини уни излагани чиқибди. Ҳамма ёқни, чашма бўйларини, далаларни, қишлоқнинг чор атрофини излабди. Ҳеч қаерда йўқ. Ким билади, қаерларда қолди экан. Балки уйга келгандир, деб уйига қайтибди. Йўқ, эри уйига келмабди.

Қуёш ботай деб қолганда шошиб таҳорат олиб, намоз ўқиб, намозни тугатай деганида, эшик тақиллабди. Югуриб бориб эшикни очиб, ташқарида эри турганини кўрибди. Эрининг аҳволи жуда ёмон, тинмсиз йўталар экан. Эри кўксини кўрсатиб бир нарсаларга ишора қилибди. Хотин эрининг қўлтиғига кириб, эрини етаклаб, ётоғига олиб келиб, аранг ётқизибди. Эри хотинига қараб хунг – хунг йиғлабди. Хотин эрининг афсусланаётганини тушиниб, у ҳам эрига қўшилиб хунг – хунг йиғлабди. Эр бошини ёстиқдан аранг кўтариб хотинига бир нарсалар айтмоқчи ва "Мендан рози бўл" демоқчи бўлибди, аммо сўзини охиригача чиқаролмай, боши ёстиққа тушиб, жони узилибди.

Хотини унинг тепасида фарёд чекиб узоқ йиғлабди. Кейин ўзига келиб, ўзини қўлга олиб, кўз ёшларини артиб, маййитнинг иягини боғлаб, "Бориб имомга хабар берай", деб кўчага чиқиб, Имомнинг уйига бориб, унинг эшигини қоқибди.

– Имом афандим, бизники... дея олибди. Гапиролмабди... фақат йиғлар эмиш. Имом аҳволни тушунибди. Имом қатъиятли одам экан.

– Бу одам бир марта бўлса ҳам масжидга қадам босмади. Мен унга жаноза ўқимайман, - деб эшикни ёпибди. Шўрлик аёл ночор аҳволда, кимга боришини билмай, унинг ҳеч кими йўқлигини эслаб, бир чора тополмабди. Уйига қайтиб, эрининг жасадини ювиб, сандиғидан чиққан бир неча метр оқ матога ўраб, жасадни елкасига олиб мозорга қараб йўл олибди.

Масжиднинг ёнидан утаётганида уни қишлоқ оқсоқоли ва бир неча қишлоқликлар кўриб қолиб, унинг ёнига келибди. Хотин уларнинг ниятлари яхши эмаслигини сезиб, толиққан елкаларидан жасадни секин ерга қўйиб, чўкка тушиб ўтириб, юзини қўллари билан тўсиб, хўнграб йиғлабди. Оқсоқол хотинга яқин келиб:

– Буни қаерга олиб кетяпсан? Мозорга бўлмасин тағин. Уни тириклигида жабрини биз тортдик. Мозордагиларимиз унинг ўлигидан озорланмасинлар, - дебди. Хотин мажолсиз жасадга тикилганча узоқ жим қолибди. Сўнг ичидан бир



нарса отилиб чиққандек, бақириб йиғлабди. Одамлар хотиннинг овозидан хуркиб нари кета бошлабдилар.

Хотин жасадни яна елкасига олиб қишлоқ ташқарисига қараб йўл олибди. Бир ялангликка етиб бориб, шу ерларга кўмса маъқул бўладигандек кўриниб, “Энди шу ерда у ҳеч кимга ҳалақит қилмайди”, дебди ўзига ўзи. Зотан, бошқа юришга мажоли ҳам қолмаган экан. Жасадни ерга қўйиб турган экан, орқадан оёқ товушлари эшитилибди. Хотин тарафга қараб бир одам келаётган экан. У шу ерларда мол – қўй боқиб юрган чўпон экан. Чўпон аёлга яқинлашиб келиб, ундан ҳол аҳвол сўрабди. Аёл бошидан ўтганларини бирма-бир чўпонга гапириб бербди. Чўпоннинг кўзига ёш қалқибди. Аёлга раҳми келиб:

– Сен хафа бўлма. Сенга ўзим ёрдам бераман, - дебди. Қабрга мос жойни топиб кавлаб, жасадни қабрга қўйиб, унинг тепасида қўлини очиб узоқ дуо қилибди. Аёл эса у ёқ бу ёқдан гул узиб келиб қабр устига қўйибди. Чўпон кетибди. Аёл бир чеккада узоқларга тикилиб ўтириб, жуда чарчаганидан ўша ерда тонггача ухлаб қолибди.

Эрта тонгда қишлоқ оқсоқоли ҳовлиққанча имомнинг уйига келиб, унинг эшигини тақиллатибди:

– Домла, домла афанди, - дер экан ҳаяжонланиб. Имом кўрқиб эшикни очибди.

– Туш кўрибман. Ҳалиги телба одам бор эдику... Мен уни жаннатда юрганини кўрдим. У менга қараб кулар эди. “Ҳаққим сенга ҳалол бўлсин”, дерди. Имом ҳайратланибди. Чунки, шунга ўхшаш тушни ўзи ҳам кўрган экан.

– Келинг, ичкарига киринг, демоқчи экан, узоқдан яна бир – икки одамнинг бақириб келаётганини кўриб, тухтаб қолибди. Улар ҳам:

– Мен сизга айтмадимми, мен сизларга айтмадимми, - дер эмиш. Яна бири:

– Мен тушимда уни жаннатда кўрдим, - дебди. Яна уч тўртта одам ҳам айнан шундай туш кўрганларини айтишибди. Улар бу ерда бир гап бор деб ўйлашиб, кечаги ўзларининг қилган ишларидан ҳижолат бўлишиб, “Унинг уйига борамиз. Хотиндан узр сўраймиз. Нима бўлганини ҳам аниғини билиб оламиз” дейишиб, унинг уйига борибдилар. Эшикни очган хотин хавотирга тушибди. Одамлар жасадни қаерга, қандай қилиб қўйганини сўраб аёлдан узр сўрабдилар. Хотин бўлган ишларни гапириб берибди. Улар хотиннинг гапларини жон қулоқлари билан тинглаб, чўпонни топишга қарор қилибдилар.

Улар чўпонни олдига бориш учун йўлга тушибдилар. Йўлда улар ўзаро гапириб, масала талашиб, “Аслида чўпон авлиё бўлса керак... Ҳизрдир балки... Ўзи ўлган одам ҳам унчалик ёмон одам эмас эди...дер эмиш бир – бирига. Улар айтилган ерга келганларида, чўпон қўйларини ўтлатиб юрган экан. Одамларни кўриб ўрнидан туриб, уларга пешвоз чиқиб, салом – алик қилиб, уларни ўтқазиб, сут билан меҳмон қилибди. Одамлар кечаги ҳодиса ҳақида гап очишиб, бўлган воқиани сўрашибди. Чўпон одамларнинг гапидан ҳеч нарса тушунмай, хавотирга тушиб:



- Мен бир ғариб, оддий одамман. Жасадни кўдим, кейин тепасида туриб дуо қилдим, бор йўғи шу, - дебди.

- Нима деб дуо қилдинг? Шунини айтиб бера оласанми?, - деб сўрашибди одамлар. Чўпон қабрининг четида туриб қилган дуосини айтиб берибди:

- “Аллоҳим! Мен бу ерларда қўйларимни ўтлатиб юрар эканман, Сенинг қулларинг келиб салом беришади. Сенинг номинг билан салом берганлари учун уларни сен юборган меҳмон деб биламан. Уларга яхши муомала қиламан. Уларни сиз билан меҳмон қиламан. Боримни уларга улашаман. Аллоҳим, ҳозир эса, мен сенинг ҳузурингга бир одам юборяпман. Энди уни Сен кутиб олиб, Ўзинг меҳмон қил!”, - деб дуо қилган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, халқимиз меҳмондўст халқ. Бу фазилат бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб утиб келаяпти. Шунинг учун ҳар – бир хонадон сохиби уй қураётганда албатта, меҳмонлар учун алоҳида бир хона қуради ва жиҳозлайди. Меҳмонни ҳурмат қилиш пайғамбарлар суннатидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

- “Биринчи меҳмон кутган киши Иброҳим (алайҳиссалом) бўлган эди”, - деганлар (*Байҳақий ривояти*). Меҳмоннинг ҳурмати уни очиқ юз ва ширин сўзлар билан кутиб олишдан бошланади. Меҳмонга мезбоннинг ўзи хизмат қилсин, дейилган экан.

Меҳмоннинг ҳурмати нималар билан адо этилади?, - деб сўрашганда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қиладилар:

“Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, меҳмонини ҳурмат қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, яхши сўз айтсин ёки жим бўлсин” (*Байҳақий ривояти*).

Интернетнинг “*muslima.uz*” сайти саҳифаларининг биридаги “**Меҳмон келса эшикдан...**” номли мақолада шундай турт қатор шеър келтирилган. Бу шеърни кўпчиллик меҳмондўст халқимиз ёддан билишади. Қуйида уша туртликни келтириб ўтишни жоиз деб билдим:

Хонамиз дўстлар оёғидан топар нури зиё,
Уй – фонус, меҳмон шамъу мен эсам парвонамен.
Меҳмон ҳар қанча турса, хизматин айлай бажо,
Кетса меҳмон мен мисоли мажнуни девонамен.

Аллоҳим! Хонадонимизнинг файзи меҳмон ташрифи билан экан, бу файзни бардавом қилиб бергин. Меҳмонни хонадонимизга Ўзинг йўллар экансан, бизларни уларнинг ташрифидан қувонувчи меҳмондўст бандаларингдан қилгин. Меҳмонларимизнинг қадамларини қутлуғ қилгин. Остонамизни хайрли тилак билан босиб ўтганларнинг хонадонларига раҳмат нурларингни ёғдиргин.
Омийн, йа Раб ал-оламийн.

Энди асосий мавзуга кучадиган бўлсак, **Маърифжон хожи дўстимизнинг** уйида иккинчи овқат ейилиб, чой ичилгандан сўнг кетишга изн сўрадик.



Шундан сўнг **Маърифжон хожи дўстимиз** дастурхонга дуо ўқишга рўхсат берди. Ҳаммамиз кўлни фотиҳага очиб дуо қилиб, ўрнимиздан турдик. Хайрлашар вақтида уй соҳиб ва соҳибаларини бизни ҳурмат қилиб меҳмон қилганликлари учун “Сизларни Аллоҳ сийласин!” деб дуо қилдик. **Маърифжон хожи дўстимизнинг** уй соҳиб ва соҳибалари билан хайрлашиб, яна йўлга чиқдик.